# Витр намозининг ўқиш вақти | Ҳадис дарслари (348-дарс)




19:00 / 01.10.2025 1416

???? ????? ?????? ????? ????? ??????? ????
?????????? ?????? ????? ???????? ????????? ?????:
????????? ????? ??????????? ??????????? ???????.
??????? ?????????????.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Тундаги охирги намозингизни витр қилинглар», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

Ҳар бир мусулмон кечаси уйқуга ётишдан олдин витр намозини ўқиб ётишни, агар ухлаб қолишдан қўрқмаса, витрни кечаси туриб ўқишни йўлга қўймоғи керак.

???? ????????? ????? ????? ?????? ?????? ???????????: ????? ????? ??????? ??????? ????? ?????? ????? ???????? ?????????? ???????: ????? ?????? ???? ??????? ???????? ??????? ????????? ?????????? ?????????? ???????? ???????? ???????? ????? ????? ????? ?????????. ??????? ??????????.

*Масруқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Оишага: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон витр ўқир эдилар?» дедим.**

**«У зот ҳаммасини ҳам қилганлар: кечанинг аввалида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам витр ўқиганлар. Вафотларидан аввал у зотнинг витрлари саҳар яқин қолганда эди», деди».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Мана шу ривоятдан тоқати етган одам витрни тонг отишига оз қолганда ўқиши афзаллиги келиб чиқади. Тоқати етмаган одам Хуфтондан кейин, қачон иложини қилса, ўқиб олса бўлаверади.

???? ??????? ????? ????? ??????? ???? ??????????
?????? ????? ???????? ????????? ?????: ???? ?????
???? ??? ??????? ???? ????? ????????? ???????????
?????????? ?????? ?????? ???? ??????? ???????
??????????? ????? ?????????? ??????? ???????
????? ????????? ??????????? ???????? ????????.
??????? ???????? ???????????????.

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким кечанинг охирида тура олмасликдан қўрқса, унинг аввалида витр ўқисин. Ким кечанинг охирида туришига кўзи етса, витрни унинг охирида ўқисин. Албатта, тунги намоз шоҳид бўлингандир. Ўша афзалдир», дедилар».**

*Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.*

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.